

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.02/30.12.2019.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТЕМИРБЕКОВ РАМАТУЛЛА ОРАЗЫМБЕТОВИЧ**

**ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИ ОҚИМИДАГИ  
КАРПСИМОН БАЛИҚЛАРНИНГ (СУРРИНАЕ) ЭКОЛОГИЯСИ ВА  
РЕСУРСЛИК АҲАМИЯТИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Темирбеков Раматулла Оразымбетович**

Хозирги шароитдаги Амударёнинг қуйи оқимидаги карпсимон  
балиқларнинг (Cyprinidae) экологияси ва ресурслик аҳамияти..... 3

**Темирбеков Раматулла Оразымбетович**

Экология и ресурсное значение карповых рыб (Cyprinidae)  
низовьев реки Амударья в современных условиях..... 21

**Temirbekov Ramatulla Orazimbetovich**

Ecology and resource impotance carp fishes (Cyprinidae) of the lower  
of Amudariya river in modern conditions..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.02/30.12.2019.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТЕМИРБЕКОВ РАМАТУЛЛА ОРАЗЫМБЕТОВИЧ**

**ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИ ОҚИМИДАГИ  
КАРПСИМОН БАЛИҚЛАРИНИНГ (СУПРИНАЕ) ЭКОЛОГИЯСИ ВА  
РЕСУРСЛИК АҲАМИЯТИ**

**03.00.10 – Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус - 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/B410 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жолдасова Илия Магжановна биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий ошценентлар:	Алламуратов Бауаддин биология фанлари доктори, профессор  Атаназаров Куралбай Мауленович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.02/30.12.2019.B.79.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «23» 10 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердах шох кўчаси, 41 уй (Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти биноси 3-кавати). Тел.: (+99861) 222-17-44.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 7 рақами билан рўйхатга олинган)

Диссертация автореферати 2020 йил « 12 » 10 да тарқатилди. (2020 йил « 12 » 10 даги № « 7 » рақамли баённомаси).



Анимбетов Нагмет Калыевич  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, академик, и.ф.д.,

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф. (PhD)

Глеумуратова Бибигуль Сарыбаевна  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аниотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда дарёлар оқимини тартибга солиш ва узоқ муддатли қайта таксимлашга боғлиқ экологик муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса реофил ва ўткинчи балиқларнинг йўқ бўлиши ёки сонининг ҳамда ареалларининг кескин қисқариб кетишига ва ўткинчи ва ўтроқ балиқ турлари кўпайишининг бузилишига олиб келади. Сув ҳавзалари гидрорежимининг балиқлар фаунасига таъсирини тадқиқ қилиш, уларнинг биохилма-хиллигини сақлаш эколого-ихтиологик тадқиқотнинг фундаментал масалалари ҳисобланиб, назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида дарёлар оқимини бошқариш, ихтиофаунанинг таксономик ва экологик структурасига таъсирини ўрганиш методологияси, уларнинг табиий шароитда кўпайиши ва сув экотизими ҳосилдорлигининг пасайиш сабабларини ўрганиш, уни қайта тиклаш йуллари бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада балиқ ресурсларининг маҳсулдор популяциялари ва жамоаларининг шаклланиши ва уларни барқарор фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳамда экологик мониторинг қилишни токазо этади.

Республикада табиий сув биоресурсларидан оқилона фойдаланиш, овланадиган балиқ турлари потенциалини муҳофоза қилиш ва табиий сув ҳавзаларининг маҳсулдорлигини юқорилатиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш» бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларини фойдаланиш самарасини юқорилатиш ва интенсив технологиялар билан балиқ етиштиришда илмий асосланган усулларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги ПҚ-4816-сон «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий илмий адабиётларда балиқлар ва алоҳида балиқ турлари популяцияларининг сув ҳавзаларидаги янги шароитдаги гидрорежимига жавоб реакцияси тўғрисида кўплаб тадқиқотлар маълум (Nilsson et al, 2005, Швеция; Poff et al, 2007, АКШ; Olden&Naiman 2010, АКШ; André Alberto Weber1 et al, 2013, АКШ). Шунингдек, ихтиофаунанинг тур хилма-хиллиги ўзгариши, абориген турларнинг йўқ бўлиши, кўплаб турларнинг кўпайишидаги бузилишлар, балиқ овлаш кўрсаткичининг пасайиш ҳолатлари ўрганилган (Lessard, Hayes, 2003, Канада; Nagahama, Yamashita, 2009, Япония).

МДХ мамлакатларида денгиз акваторияси ва дарёлар бассейнидаги кўплаб сув ҳавзалари гидрологик режими, ихтиофаунаси таркиби ва структурасидаги ўзгаришлар, фаунистик ва балиқчилик хўжалиги тадқиқотларининг натижалари бир қатор йирик ҳулосаларда умумийлаштирилган (Павлов Д.С., Мочек А.Д. (ред.), 2006, Россия; Слынько Ю.В., Терещенко В.Г., 2014, Россия; Митрофанов В.П. (ред.), 1986-1989, Қозоғистон; Решетников Ю.С. (ред.), 2002-2003; Алимов, Боғуцкая, 2004 Россия<sup>2</sup>. Шунингдек, республикамізда Амударё гидрорежимининг ўзгариши ва Орол денгизи деградациясига боғлиқ салбий оқибатлари бўйича амалга оширилган илмий изланишлар ва тажрибалар асосида Тлеуов Р.Т., Аденбаев Е, Сағитов Н.И., Тлеубергенов Ш., Павловская Л.П., Барханскова Г.М., Жолдасова И.М., Юсунов К., ва кўплаб бошқа муаллифлар илмий йўналишларида дарёнинг қуйи оқимидаги ўткинчи ва ярим ўткинчи балиқларнинг биологияси, уларнинг кўпайиш шароити, ҳудуднинг ихтиофаунаси структурасидаги қайта тузилиш сабаблари ва экологиясига доир қатор тадқиқот ишлари келтирилган. Амударёнинг қуйи оқимидаги сув режимининг ўзгарувчанлиги ва бунинг балиқларнинг тур таркибига таъсири ва экологияси доирасидаги кўп йиллик тадқиқот тажрибаларига қарамасдан, олимларнинг бу мавзуга бўлган қизиқишлари ўз долзарблигини ҳозирги вақтгача йўқотмаган. Маълумки, ҳар бир ҳудуд сув ҳавзаларидаги балиқлар жамоалари ўзига хос биоэкологик хусусиятларга эга бўлиб, Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзаларидаги балиқлар ва ундаги карп балиқларининг сув режимига боғлиқ, ҳозирги шароитдаги таксономик тур таркиби, мақоми, биоэкологик хусусиятлари ва уларни аквакультурада фойдаланиш истиқболларини ўрганиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

<sup>2</sup><https://www.osce.org/eea>, <http://www.fao.org/3/y5923b0d.htm>

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти илмий тадқиқот режасидаги ФА-ФЗ-ТО19 «Амударё дельтасидаги балиқлар популяциялари динамикаси ва кўл омилли таъсирлар шароитида ресурсларни шаклланиши» (2007-2011 й.), ФА-2 ТОО65 «Амударёнинг қуйи оқими ихтиофаунаси биохилма-хиллигини саклаш усуллари ва технологиясини ишлаб чиқиш ва аборигенларнинг табиий популяциясини тиклаш» (2012-2014 й.); ФА-А7-ТО94 ПЗ «Қорақалпоғистон балиқчилик соҳасида табиий шароитда олинган балиқ чавоқларини фойдаланишнинг илмий асослари ва амалий тавсияларини ишлаб чиқиш (2015-2017 й.); Республика Табиатни муҳофаза қилиш фонди дастури №09/14. «Сариқамиш кўли: экологияси, ихтиофаунаси ва балиқ овидан фойдаланиш истикболлари» (2008-2009 й.); «Қорақалпоғистон Республикаси балиқчилик сув ҳавзаларини паспортлаштириш» (2009-2010 й.) ва халқаро илмий тадқиқот режаларининг ГЭФ «Судочье кўли мисолида сув ботқоқ ерларни тиклаш» Компонент Е (1999-2002 й.); «Дренаж ва ирригацион инфраструктуранинг реконструкция қилиш ва ветландларни тиклаш Фаза-1» Компонент Е (2006-2009 й.) мавзусидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Амударёнинг қуйи оқимида гидрорежимнинг кучли ўзгариши шароитида карпсимон балиқлар оиласининг (Cyprinidae) тур таркиби динамикаси, ресурслари ва экологик хусусияларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Амударёнинг қуйи оқимида экосистеманинг антропоген трансформацияси шароитида балиқларни ва карпсимон балиқлар комплексини таксономик таҳлил қилиш;

экологик ҳар хил типдаги сув ҳавзаларидаги карпсимон балиқлар популяциясининг эколого-биологик хусусиятлари, саноатдаги мақоми ва муаммоли турларни таҳлил қилиш;

Амударёнинг қуйи оқими экологик шароитига боғлиқ, карпсимон балиқлар популяциясининг структураси шаклланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш;

Амударёнинг қуйи оқимидаги карпсимон балиқларнинг балиқ саноатидаги аҳамиятини баҳолаш ва карпсимон балиқлар ҳисобидан балиқ ҳосилдорлигини кўтариш, уларни аквакультуранинг ривожлантиришида фойдаланиш йўллари тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** сифатида Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳар хил гуруҳ ва мақомдаги карпсимон балиқлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Амударё қуйи оқими карпсимон балиқлар популяциясининг биоэкологик хусусиятлари ва биоресурслари динамикаси ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида экологик, биологик, лаборатория ва киёсий таҳлилнинг статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Амударёнинг куйи оқимида ҳозирги экологик шароитда карпсимон балиқлар жамоаси комплексининг таксономик таркиби, турларнинг популяцион структураси очиб берилган;

атроф-муҳит шароитига боғлиқ карпсимон балиқларнинг сув ҳавзалари бўйлаб тарқалишида биотопик қулайликлар, миграция режими; популяцияларнинг ўлчам-ёш ва жинс структуралари; доминант ва заиф таксонларининг озиқланиш, ўсиш, кўпайишининг экологик хусусиятлари аниқланган;

биринчи мартаба Амударё куйи оқимидаги бегона карпсимон балиқларининг тўлиқ тур таркиби, уларнинг пайдо бўлиши ва ҳудуд бўйлаб тарқалиши, эколого-биологик хусусиятлари ва саноат мақоми аниқланган;

Амударёнинг куйи оқимида ҳар хил типдаги сув ҳавзаларидаги балиқ ресурслари, карпсимон балиқларнинг маҳсулдор жамоаси ва популяциясининг шаклланиш шартлари ва шакллари очиб берилган;

карпсимон балиқлар потенциали ҳисобидан Амударёнинг куйи оқимидаги сув ҳавзаларининг балиқ ҳосилдорлигини кўтариш, уларни аквакультурани ривожлантиришда фойдаланиш йўллари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Амударёнинг куйи оқимидаги ҳозирги экологик вазиятда карпсимон балиқларнинг таксономик таркиби, популяциядаги тузилиши ва уларнинг саноат потенциали мақоми аниқланган, шу билан бирга, камёб балиқларнинг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобидаги мақоми аниқлаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

Амударёнинг куйи оқимидаги ҳар хил типдаги сув ҳавзаларидаги балиқ ресурслари ва карпсимон балиқлар ва иқлимлаштирилган балиқ турларининг самарали популяцияларининг шаклланиш шартлари очиб берилган ва балиқ ҳосилдорлигини кўтариш, уларни аквакультурани ривожлантиришда барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

олинган маълумотлар Жанубий Оролбўйи ҳудуди ихтиофаунаси ва сув биоресурсларининг ягона маълумотлар банкини ташкил этиш, экологик мониторинг чора-тадбирларини амалга ошириш, ҳайвонотлар кадастрини тузишда, биохилма-хилликни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фойдаланишда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган замонавий биоэкологик ва ихтиологик тадқиқотлар, нашр қилинган ишлар, фундаментал ва амалий лойиҳаларнинг бажарилиши, диссертация тадқиқоти ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Амударёнинг куйи оқимидаги карпсимон балиқлар фаунасининг дарёнинг гидрологик режимининг антропоген трансформацияси ўзгаришига ва экологик вазиятга боғлиқ, ҳозирги кундаги таркибини очиб бериш, биринчи бор Амударёнинг куйи оқимидаги бегона – ташқаридан кириб келган



карпсимон балиқларнинг тўлиқ тур таркиби тақдим этилиши ва уларнинг биоэкологик хусусиятлари ва саноат мақоми, атроф-муҳит яшаш шароитига боғлиқ ҳар хил мақомдаги карпсимон балиқларнинг эколого-биологик ва популяция ичидаги тавсифини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Амударёнинг қуйи оқимидаги сув ҳавзаларидаги карпсимон балиқларнинг маҳсулдор популяциясининг шаклланиш шартлари ва шароитлари бўйича маълумотлар олинади. Бу эса ҳозирги шароитдаги ихтиофауна таркибини инвентаризация қилишда фойдаланиш ва карпсимон балиқларнинг самарали потенциали ҳисобидан балиқчиликда сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлигини юқорилатиш йўллари ва уларнинг ресурсларини аквакультурани ривожлантиришда барқарор фойдаланишга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги шароитдаги Амударёнинг қуйи оқимидаги карпсимон балиқларнинг (Cyprinidae) экологияси ва ресурслик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табiiй сув ҳавзалари ва уларнинг ихтиофаунасини экологик мониторинг чора-тадбирларини ўтказишда Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2019 йил 23 декабридаги №01/18-1-3544-сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Оролбўйи худудида биохилма-хилликни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайвонот дунёси кадастрини тузиш имконини берган;

карпсимон балиқлар потенциали ҳисобидан Амударёнинг қуйи оқимидаги сув ҳавзаларининг балиқ ҳосилдорлигини кўтариш йўллари «Нукус-Балиқ» МЧЖ амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 29 августидagi №33/04-336-сон маълумотномаси). Натижада, табiiй уруғланишдан олинган балиқ чавоқлари билан табiiй балиқчилик сув ҳавзаларини балиқлантириш ҳисобидан балиқ захираларини тўлдириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 17, жумладан, 11 халқаро ва 6 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 9 та республика, 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Амударёнинг қуйи оқими ихтиофаунасини тадқиқ қилиш тарихи, материал ва методлари» деб номланган биринчи бобида Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзаларидаги экологик шароитлар ва яшаш жойи шароитларига боғлиқ бўлган ихтиофаунанинг тур таркибидаги барқарор давр ва ундан сўнгги ўзгаришлар бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, тадқиқот ҳажми, метод ва методик услублар тақдим этилган. Тадқиқот ишлари 2000-2018 йилларда Амударёнинг қуйи оқимидаги табиий сув ҳавзаларида олиб борилди.

«Тадқиқот ўринларининг физико-географик тавсифи» деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш вақтидаги сув ҳавзаларининг (1 расм) физико-географик тафсифи келтирилган.



1-расм. Тадқиқот ўтказилган жойларнинг карта-схемаси: I – Междуречье сув омбори; II – Сарбас кўли; III – Мўйноқ кўлтиги кўли; IV – Судочье кўли; V – Жалтирбас кўли; VI – Дауткўл сув омбори; VII – Сарикамиш кўли; VIII – Жанубий Қорақалноқ магистрал коллектор (ЖҚМК).

Диссертациянинг «Амударёнинг қуйи оқимининг ихтиофаунасининг таксономик ва экологик таҳлили ва унинг карпсимон балиқлари комплекси» деб номланган учинчи бобида ҳудуднинг ихтиофаунаси ва унинг таркибидаги карпсимон балиқлар оиласининг ҳозирги тур хилма-хиллиги тақдим этилган.

Ҳозирги пайтда Амударёнинг қуйи оқими ихтиофаунасида 13 та оилага мансуб 37 тур балиқ яшайди. Карпсимонлар (Cyprinidae) оиласи 23 таксонни ўз ичига олади. Бу оила таркиби ва Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзалари ва участкаларидаги тарқалиши 1-жадвалда тақдим этилган.

1-жадвал  
Амударёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги карпсимон балиқларнинг тур таркиби, уларнинг мақоми ва турларнинг сув ҳавзалари, участкалари бўйлаб тарқалиши

Балиқ турлари	Сув ҳавзалари							Турнинг мақоми
	1	2	3	4	5	6	7	
Авлод: <i>Rutilus Rafinesque</i> , 1820 – Қизилкўзлар Қизилкўз– <i>Rutilus rutilus</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	+	+	+	+	+	О
Авлод: <i>Leuciscus Cuvier</i> (ex Klein), 1816 - Елевлар Туркистон кўкбўйини - <i>Leuciscus idus oxianus</i> (Kessler, 1877)	+/-	-	-	-	-	-	-	3(NT)
Авлод: <i>Scardinius Bonaparte</i> , 1832 – Кизилпарралар Кизилпарра - <i>Scardinius erythrophthalmus</i> (Linnaeus, 1758)	-	+	-	-	+	+	+	О, К
Авлод: <i>Ctenopharyngodon Steindachner</i> , 1866 –Оқ амурлар Оқ амур - <i>Ctenopharyngodon idella</i> (Valenciennes, 1844)	+	+	+	+	+	+	+	И, О
Авлод: <i>Mylopharyngodon Peters</i> , 1881 –Қора амурлар Қора амур - <i>Mylopharyngodon piceus</i> (Richardson, 1846)	+	+	+	+	+	+	+	И, О, К
Авлод: <i>Aspius Agassiz</i> , 1832 – Оқхайроқлар Орол оқхайроғи– <i>Aspius aspius iblioides</i> (Kessler, 1872)	-	+	+	+	+	+	+	О, К
Авлод: <i>Luciobarbus Cuvier et Cloquet</i> , 1816 - Мўйлабдорлар Орол мўйлабдори– <i>Luciobarbus brachucephalus</i> Kessler, 1872	-	+	-	-	-	+	-	1(EN)
Туркистон мўйлабдори– <i>Luciobarbus capito</i> <i>conocephalus</i> Kessler, 1872	-	-	-	-	+	+	+	2(EN)
Авлод: <i>Chalcalburnus Berg</i> , 1932 - Мойбалиқлар Орол мойбалиғи – <i>Chalcalburnus chalcoides</i> <i>aralensis</i> (Berg, 1923)	+	+	+	+	+	+	+	О, К
Авлод: <i>Alburnoides Jetteles</i> , 1861 - Тезсузарлар Чизикли тезсузар - <i>Alburnoides taeniatus</i> (Kessler, 1874)	+	+	+	+	+	+	+	ОКУ
Авлод: <i>Abramis Cuvier</i> , 1816 – Оқчалар Оқча балиқ - <i>Abramis brama</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	+	+	+	+	+	О, К
Қорақуз - <i>Ballerus sapa</i> (Pallas, 1814)	-	+	-	-	-	+	+	2(VU:D)
Авлод: <i>Sapoetobrama</i> 1916 Berg, 1916 - Паррак Паррак - <i>Sapoetobrama kuschakewitschi</i> (Kessler, 1872)	-	+	-	-	-	+	-	2(VU:D)

Авлод: Pelecus Agassiz, 1835 – Қилич балиқлар Қилич балиқ - <i>Pelecus cultratus</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	+	+	+	+	+	О, К
Авлод: Carassius Jarocki, 1822 – Товонбалиқлар Кумуш товонбалиқ - <i>Carassius gibelio</i> (Bloch 1782)	+	+	+	+	+	+	+	О
Авлод: Cyprinus Linnaeus, 1758 - Карплар Сазан, (зогора балиқ) - <i>Cyprinus carpio</i> Linnaeus, 1759	-	+	+	+	+	+	-	О
Авлод: Hemiculter Bleeker, 1859 - Қиррақоринлар Қиррақорин - <i>Hemiculter leucisculus</i> (Basilewsky, 1855)	+	+	+	+	+	+	+	И, ОКУ
Авлод: Pseudorasbora Bleeker, 1860 - Псевдоразборалар Амур чебақчаси - <i>Pseudorasbora parva</i> (Temminck et Schlegel, 1846)	+	+	+	+	+	+	+	И, ОКУ
Авлод: Hypophthalmichthys Bleeker, 1859 - Дўнгпешоналар Оқ дўнгпешона - <i>Hypophthalmichthys molitrix</i> (Valenciennes, 1844)	+	+	-	+	+	-	+	И, О
Чипор дўнгпешона - <i>Hypophthalmichthys nobilis</i> (Richardson, 1846)	+	+	+	+	+	+	+	И, О
Авлод: Parabramis Bleeker, 1865 –Амур оқ окчалари Амур оқ окчаси - <i>Parabramis pekinensis</i> (Basilewsky, 1855)	-	+	+	-	+	+	-	И, Пр
Авлод: Abbottina Jordan et Fowler, 1903 - Абботтиналар Дарё абботтинаси - <i>Abbottina rivularis</i> (Basilewsky, 1855)	+	-	+	+	+	+	+	И, ОКУ
Авлод: Rhodeus Agassiz, 1832 - Тахирбалиқлар Кўзли тахирбалиқ - <i>Rhodeus ocellatus</i> (Kner, 18166)	+	+	+	+	+	+	+	И, ОКУ
Турлар сони	17	22	17	17	19	22	20	

Эслатма:

Жадвалдаги шартли тушунчалар. Сув хавзалари: 1- Ғарб, Судочье; 2- Ўрта зона; 3- Жалтирбас; 4- Шарқий Қоратерен; 5 – Сарикамиш; 6 – Тунмуён сув омбори; 7 – Жанубий зона ва Жанубий Қорикатноқ магистрал коллектор тармоғидаги сув хавзалар (ЖСМК); И- юклимлаштирилган; О – овландирилган; К - камб тур; +/- ҳозирда учрамайди; ОКУ – овланмайдиган, кичик ўлчамда. Мухофаза қилинадиган турларнинг мақомлар тушуниши: [ ] – ТМХИ (2003) Қизил рўйхатидаги турларнинг категорияси; 0-4 ( ) – Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби каттегорияси (2019)

**Амударёнинг қўйи оқимидаги карпсимон балиқларнинг асосий экологик тавсифи.** Амударёнинг қўйи оқимидаги карпсимон балиқлар таркибида яшаш образи бўйича шу сув хавзасига маъсуб лимнофил турлар доминант ҳисобланади. Амударёнинг қўйи оқимидаги карпсимонлар орасидаги лимнофил 9 (39,13 %) тур. Оқиб турган сувларда (Амударё ёки каналларда) доимий равишда яшайдиган реофил турлар 2 (8,7 %). Рео-лимнофиллар, сув катламининг юқори қисмида тирикчилик қиладиган пелагик турларни ўз ичига олади; булар 7 (30,43 %) тур. Амударёнинг қўйи оқимидаги карпсимонлар орасида лимно-реофиллар 5 (21,74 %) тур (расм 2. А).

Озикланиш типи бўйича карпсимон баликлар қуйидагича тақсимланади: сон жиҳатидан кўпчилик тур эврифагларга тегишли 8 (34,8%); сўнгра пастга тушиш бўйича фитофаглар – 6 (26 %); бентофаглар – 5 (21,8 %); йирткичлар – 2 (8,7 %); ва шунингдек планктофаглар 2 тур (8,7%) (расм 2.Б).

Карпсимон баликларнинг кўпайиш хусусиятлари бўйича фитофил баликлар (10 тур, 43,5%) ва пелагофиллар (8 тур, 34,8 %). Литофил, псаммо-литофил ва юмшоқ лойли саёз сувларда увилдирик сочувчи 4 тур (17,4 %) ва кўзли тахирбалиқ – острокофил (4,3 %) (расм 2. В).



2- расм. Амуларёнинг қуйи оқимидаги карпсимон баликларнинг экологик структураси яшаш шароити бўйича (А), озикланиш типи бўйича (Б) ва увилдирик сочувчи субстратлари ва кўпайиш хусусиятлари бўйича (В)

Диссертация ишининг «Карпсимон баликларнинг эколого-биологик хусусиятлари ва ресурслик мақоми» деб номланган тўртинчи бобида Амударёнинг куйи оқимидаги карпсимон баликларнинг асосий гуруҳлари ва уларнинг популяцияларини ҳозирги мақомини баҳолаш бўйича кўп йиллик тадқиқот натижалари келтирилган.

Бу бобда дастлаб ноёб ва расмий муҳофаза мақомига эга бўлган турларга диққат қаратилди. Булар орол мўйлабдори - *Luciobarbus<sup>3</sup> brachycephalus*, қоракўз - *Ballerus sapa<sup>4</sup>*, паррак - *Carpoetobrama kuschakewitschi*, туркистон кўкбўйини - *Leuciscus idus oxianus* ва туркистон мўйлабдори - *Luciobarbus<sup>5</sup> capito conocephalus*.

Булардан орол мўйлабдори йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган Орол эндемик тури - 1(EN) мақомига эга; туркистон кўкбўйини мақоми 3(NT) – йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин; қолган уч тур 2(VU:D) – заиф қисқариб бораётган мақомига эга ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, 2019)

Туркистон мўйлабдори учун чекловчи омил асосан унинг яшаш жойидаги гидрологик режимнинг ёмонлашуви ҳисобланади.

Паррак балиғи мақомига келсак Амударё ва қатта сугориш каналларидан оқим билан оқиб келган балиқ чавокларини кузатиш натижалари бўйича бу турнинг барқарор учрашини таъкидлаймиз. Бу эса паррак балиғининг заиф қисқариб бораётган мақомини 3(NT) йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин мақомига ўтказишни кўриб чиқиш таклифини беришга имкон беради.

Қоракўз ва туркистон кўкбўйини мақоми, бу турлар камёб учрайди. Қоракўз балиғи 2000 ва 2001-йилларда Судочье кўлида, навбати билан 2 ва 3 особлар ва 2010 йилда Междуречье сув омборида 1 дона учради. Туркистон кўкбўйини бирон маротаба ҳам учрамади.

Кичик ўлчамдаги – чизикли тезсузар ва паррак балиқ туридан ташқари, амалда барча абориген турлар овланадиган балиқ турлари ҳисобланади.

1960-2017 йиллар даврида овланган балиқ кўлами 25 минг тоннадан 1845 тоннагача тушиб, тушиш 13,5 бараварни ташкил этган. Балиқ овининг қатта қисмини карпсимон балиқ турлари ташкил қилиб, 2000-2009 йй. карпсимонлар улушига ўртача 87,1%, 5863,4 ц/йил, 2010-2017 йилларда – 71,3%, 6393,1 ц/йил тўғри келган. Булардан шу даврда аборигенлар ови, навбати билан, 40,3% ва 39,3% бўлди. Акклиматизантлар улуши умумий балиқ овида 2000-2009 йилларда 46,7%, 2010-2017 йй. – 32,05% бўлди. Бу йилларда карпсимонлар овида акклиматизантлар 53,6% ва 44,9% ни ташкил этган (3-расм).


Сўнгги йилларда овланадиган абориген карп балиқларидан етакчи ўринни зогора балиқ, товоибалиқ ва қизилкўз, иқлимлаштирилган турлардан оқ дўнгпешона, умумий овланадиган иқлимлаштирилган турлар амур оқ окчаси ва оқ амур билан бирга 39,2% ни ташкил этади. Диссертация ишида

<sup>3</sup>Синоним *Barbus brachycephalus* Kessler, 1872.

<sup>4</sup>*Ballerus sapa* (Pallas, 1814) синоним *Abramis sapa* (Pallas, 1814)

<sup>5</sup>Синоним *Barbus capito conocephalus* Kessler, 1872

бу етакчи овладиган турларнинг эколого-биологик ўзгачаликлари ва ресурслик мақоми тўғрисида қуйидаги икки тур тавсифи кўринишида берилган.



3-расм. Амударёнинг қуйи оқимидаги 2000-2017 йилларда овланган баликлар динамикаси ва структураси (Қорақалпоғистон баликчилик ассоциацияси маълумотлари асосида тузилди)

Эслатма: диаграммадаги тушунчалар: 1- Амударёнинг қуйи оқимидаги умумий балик оғи, ц.; 2- Карлсмон баликларининг умумий оғи, ц.; 3-Абorigineн карлсмонларнинг умумий оғи, ц.; 4- Акклиматизант карлсмонларнинг умумий оғи, ц.; 5-Амударё оқими, млн. куб м.

Зоғора балик ёки оддий карп – ярим ўткинчи формалари Амударёнинг қуйи оқимида, тирикчилигининг кўпчилиги бўлимини денгизда ўтказиб, бир йилда қирғоққа ёқин икки мартаба: баҳорда – увилдириқ сочиш, кузда – қишлаш учун сузиб келган (Тлеуов, 1981, 62-63 б.). Ҳозирда бу тур қатта миграциялар қилмайдиган йил давомида сув ҳавзасининг белгили жойларида (туводный) формалари тирикчилик қилади. Ўлчами ва оғирлиги бўйича ҳозирги пайтда Судочье, Дауткўл ва Сарикамиш кўлларидаги зоғора балик популяциялари йирикроқ, ўлчамлари кичик кўрсаткичдаги баликлар эса Ахчакўл ва ЖҚМК бўйидаги сув ҳавзаларида аниқланди (4-расм).



4-расм. Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзаларидаги зоғора балигининг ўлчам-оғирлик кўрсаткичлари

Бу тез ўсувчи балик тури ҳисобланади. Озуқасининг асосини бентос организмлари (хиرونomid личинкалари 60-75% гача, қўнғиз, ручейник личинкалари) ва сув ўсимликлари ташкил этади. Дауткўл кўлида 1980-

йиллардан буён амур буқабалиғи ҳаддан зиёд кўп бўлгани сабаб зоғора балиқнинг озуқа таркибида учраган.

Денгизнинг ёқа қисмида тирикчилик қиладиган, денгиз зоғора балиғи икки-беш ёшида, ҳозирги Амударёнинг қуйи оқимидаги зоғора балиққа нисбатан тез ўсиши билан изоҳланади (Никольский, 1940; Тлеуов, 1981) (2-жадвал).


2-жадвал

Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳар хил сув ҳавзаларидаги зоғора балиқнинг ўсиши (тескари ҳисоблаш, см)

Сув ҳавзаси	Ёши, йил										Автор
	1+	2+	3+	4+	5+	6+	7+	8+	9+	10+	
Орол денгизи	12,6	21,5	29,3	36	41,6	46,5					Никольский, 1940
Орол денгизи	12,3	20,9	28,7	34,4	39,4	44,6	49,6	53,2	59,5	63	Тлеуов, 1981
Қуйи Амударё	9,1	17,7	24,3	30,2	41,4						Бизнинг маълумот, 2017

Судочье ветланди, Междуречье, Сарбас, Сарикамиш кўллари ва Даутқўлнинг зоғора балиқлар популяцияси ўсиш темпи юкори, лекин Мўйноқ кўлтиғи ва ЖҚМК бўйида янгидан пайдо бўлган сув ҳавзаларидаги балиқларнинг ўсиш темпи паст бўлди (5-расм).

Зоғора балиқ 3-4 ёшида жинсий етилади. Зоғора балиқнинг ҳозирги вақтдаги мутлоқ серпуштлиғи 137,3-287,4 минг увилдирик бўлиб, ўртача 225,7 минг дона увилдирикни ташкил этади. Бу балиқ 18-25°C температурада сувнинг саёз, сув ўтлари, ярим бута ўсимлиқлар орасига ёпишкок увилдирикларини кўяди. Сув кам бўлган йилларда саёз сувларнинг қуриб қолиши ва балиқ увилдириғи ва чавокларининг нобуд бўлиши сабабли турнинг кўпайиши бузилади.



5-расм. Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзаларидаги зоғора балиқнинг ўсиши (тескари ҳисоблаш, см.)



Зогора балиқ регионнинг балиқ овлаш саноатида етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, 2015-2017 йй. зогора балиқни овлаш ўртача 836, 1207 ва 4157 ц. ёки умумий овланган балиқларнинг навбати билан 19,7%, 16,9% ва 22,5% ташкил қилган. 2015 ва 2017 йилларда умумий овланган балиқ турлари орасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 2016-йили илонбош балиқ ва товонбалиқдан сўнг учинчи ўринни эгаллади. Сўнгги 3 йилда зогора балиқ овладиган асосий сув хавзалари бу Междуречье сув омбори, Жалтирбас, Мўйноқ қўлтиги ва Судочье ветланди ҳисобланади.

Бу сув хавзалари зогора балиқ ва бошқа карп балиқларини ўстириш учун яроқли ва кўплаб кўрсаткичлари бўйича қўл-товар балиқчилик хўжалигини ташкил этиш талабига жавоб беради. Лекин ҳудудда ва кўплаб балиқчилик сув хавзаларида барқарор бўлмаган сув режими шароитида бу балиқ чавокларини чавок ўстириш хўжаликларида парваришlash зарур ҳисобланади.

Амударёнинг қуйи оқимидаги сув хавзаларида оқ дўнгпешона популяциясининг шаклланиши Амударёнинг ўрта оқими ва Қорақум каналида 1960-1961 йиллардан бу балиқ турининг чавоғи оқ амур балиғи чавоғи билан бирга юборилган жойдан ўзлари тарқалиши ҳисобидан амалга ошган (Алиев, 1965; Шамшетов, Сагитов, 1977; Маркова, 1968). Ўлчам-огирлик кўрсаткичи бўйича оқ дўнгпешона балиғи Судочье ветландида йирик бўлиб, междуречье популяцияси кичик ўлчамда бўлди (расм 6).

(Жолдасова ва бошқ., 1987; Павловская, 1990) маълумотларига кўра, оқ дўнгпешонанинг даутқўл ва сарикамиш популяциялари, ва бизнинг маълумотлар бўйича Амударёнинг қуйи оқимидаги сув хавзаларида оқ дўнгпешонанинг ўсиши ўзининг ватанидагига нисбатан юқори (3-жадвал).



6-расм. Амударёнинг қуйи оқими сув хавзаларидаги оқ дўнгпешонанинг ўлчам-огирлик кўрсаткичлари

Дўнгпешона тана узунлиги 50 см га етганда, 3-4 ёшида жинсий етилади. Дўнгпешона балиғи Амударёнинг оқимида увилдириқ сочади. Уларнинг ёппасига увилдириқ сочиши Қорақум канали ва Туямуён сув омборининг юқори чегарасида сув ҳарорати 21-25°C да, май ойининг иккинчи декадасида кузатишган. Дўнгпешонанинг батипелагик увилдириғи пастга оқиб келишда

зародыш қобик ичида ривожланади (Никольский, Веригин, 1966; Павловская, Жолдасова, 1991).

3-жадвал

Амударёнинг қуйи оқимидаги хар хил сув хавзаларидаги оқ дўнгпешонанинг ўсиши (тескарри ҳисоблаш, см.)

Узунлиги, см							
l <sub>1</sub>	l <sub>2</sub>	l <sub>3</sub>	l <sub>4</sub>	l <sub>5</sub>	l <sub>6</sub>	l <sub>7</sub>	l <sub>8</sub>
Амур дарёси (Сыроева, 1958)							
11,8	26,8	35,9	43,6	49,9	53,8	56,8	57,3
Даўтқўл сув омбори (Жолдасова и др., 1987)							
19,6	26,8	44,9	56,8	66,4	68,2	72,3	
Сарикамиш кули (Павловская, 1990)							
13,2	25,5	36,4	49,0	60,6	68,5	74,2	80,3
Амударё қуйи оқими сув хавзалари (бизнинг маълумот, 2017)							
15,2	25,8	40,02	56,2				

Амударёнинг қуйи оқимида тана узунлиги 42,5-67,1 см, оғирлиги 1300-5400 г бўлган оқ дўнгпешонанинг абсолют серпуштлиги 100,7-775,5 минг дона увилдирикни ташкил этган. 1990-йиллар ичида оқ дўнгпешона балиғи личинкасининг сони, Амударёдан Тахиатош гидроузелига оқим билан оқиб келган барча балиқ личинка ва чавокларининг 30 дан 50% ни ташкил этди.

Оқ дўнгпешона балиғи тўдасининг Амударёнинг қуйи оқимидаги сув хавзаларда шаклланиши, дарёнинг ўрта оқимида бошка узок шарқ ўсимликхўр балиқлар билан бирга увилдирик сочиб, увилдирик ва личинкаларнинг оқим билан дарёнинг қуйи қисмига оқиб келиши ҳисобидан бўлади (Павловская, Жолдасова, 1991; Жолдасова, Павловская, 1995, бизнинг маълумотлар).

Оқ дўнгпешона юқори интенсив озикланувчи – типик фитопланктофаг. Оқ дўнгпешона тез ўсувчи тур ҳисобланиб, ўсиш темпи тирикчилик қилган сув хавзаси шароитига боғлиқ бўлади. 2000 йиллар бошида Судочье ветландида сув билан таъминлашни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ердаги оқ дўнгпешонанинг ўсиш темпи бошка сув хавзалардагига нисбатан юқори эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Оқ дўнгпешона Амударёнинг қуйи оқимидаги асосий овладиган тур ҳисобланиб, унинг овланиш микдори 2013-2017 йилларда ўртача 2205,5 ц/йил, шу йилларда Амударёнинг қуйи оқимида овланган барча балиқ турининг ўртача 24,4% ни ташкил этди. Энг кўп дўнгпешона ови 2017 йилда Жалтирбас кўлида 1064,5 ц овланган бўлиб, кўлдаги умумий овланган балиқнинг 22,3% ташкил қилди.

**Овланмайдиган карпсимон балиқлар гуруҳи.** Ҳозирги вақтда Амударёнинг қуйи оқимидаги сув хавзаларида кичик ўлчамдаги овланмайдиган карпсимон балиқларнинг 5 тури маълум. Булар қуйидагилар: амур чебакчаси - *Pseudorasbora parva* (Temminck et Schlegel, 1846), киррақорин - *Hemiculter leucisculus* (Basilewsky 1855), кўзли тахирбалик -

*Rhodeus ocellatus* (Kner, 1866), дарё абботинаси - *Abbottina rivularis* (Basilewsky, 1855) ва чизикли тезсузар - *Alburnoides taeniatus* (Kessler, 1874). Булардан фақат чизикли тезсузар абориген; қолган 4 тур - интродуцентлар (Алиев ва б., 1963). Бу балиқ турлари Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

Амударёнинг қуйи оқими сув ҳавзаларидаги овланмайдиган карпсимон балиқлар бошқа турдаги йиртқич балиқларнинг озука занжирида муҳим уринини эгаллайди. Бу эса қимматбаҳо овланадиган балиқ турларига йиртқич балиқлар томонидан бўладиган босимни қандайдир маънода пасайтиради. Лекин бир вақтнинг ўзида улар зоопланктон ва бентос организмлар билан озикланиб, овланадиган балиқ турларига сезиларли даражада рақобат бўлади.

Ҳозирги шароитда Амударёнинг қуйи оқимида овланмайдиган балиқ турларидан чизикли тезсузар, қирракорин ва амур чебакчаси сонининг кўпайиши кузатилди. Бу 2000 йилдан буён ҳудудда йиртқич балиқ турлари чўртан ва олабуга балиқларининг йўқ бўлишига боғлиқ ҳисобланади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун «Ҳозирги шароитда Амударёнинг қуйи оқимидаги карпсимон балиқларнинг (Cyprinidae) экологияси ва ресурслик аҳамияти» диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида тақдим этилган

## ХУЛОСАЛАР

1. Амударёнинг қуйи оқимидаги барча балиқларнинг ва карпсимон балиқлар комплексининг таксономик таркиби аниқланди. Амударёнинг қуйи оқимида ҳозирги вақтдаги 13 оиллага мансуб бўлган 37 тур ихтиофаунанинг умумий таркиби изоҳланди. Турлар сони ва популяциялар ўлчами бўйича карпсимонлар оиласи доминант ҳисобланиб, ҳудуд ихтиофаунасининг ярмидан кўпини - 23 тур (62,1%) ташкил этади.

2. Овланадиган турларнинг доминант ва заиф популяцияларининг экобиологияси бўйича янги маълумотлар олинди. Тирикчилик этиш шароитининг ўзгариши, сув иншоотлари ва кўчиб ўтиш (миграция) режимининг ўзгариши 5 турдаги ўткинчи ва яримўткинчи турлар популяцияси сонининг кескин қисқариб кетиши ва Ўзбекистон Қизил китоби (2019) рўйхатига олинганлиги кўрсатиб берилди. Бу турларнинг мақомини аниқлаш ва табиий шароитдаги популяция сонини сақлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун турларнинг ҳолатини мониторинг қилиш тавсия этилади.

3. Амударёнинг қуйи оқимидаги сув ҳавзалари ва оқар сувлардаги балиқлар жамоасида таркибий ўзгаришлар ва тур таркиби ўзгариши билан кузатиладиган тирикчилик образи ва экологик гуруҳлари ва шунга монанд популяциялар маҳсулдорлиги кўрсатиб берилган. Ўтроқ яшаш тарзига ўтган кўл-дарё лимнофил (зоғора балиқ, кизилкўз ва б.) ва экологик чидамли

(кумуш товонбалик) турлар популяциялари сақлаб қолинган. Амударё оқими ва ундан юқори Туямуён гидрокомплексда интродуцент реофил пелагофил карпсимон балиқларнинг увилдирик сочиши ҳисобидан Амударёнинг қуйи оқимидаги сув хавзаларида бу балиқларнинг овланадиган популяцияларининг шаклланиши изоҳлаб берилди.

4. 2000-2009 йй. овланган карпсимон балиқларнинг улуши ўртача 87,1% ёки 5863,4 ц/йил., 2010-2017 йй. – 71,3% ёки 6393,1 ц/йил. ташкил этган. Шунини таъкидлаш жоизки, бу йилларда акклиматизант карпсимонлар овланган карпсимонларнинг 53,6% ва 44,9% ни ёки навбати билан 3147,2 ва 2870,6 ц/йил ташкил этган. Амударёнинг қуйи оқимидаги балиқларнинг яшаш шароити ва структурасидаги негатив ўзгаришга қарамасдан карпсимон балиқлар ҳудуднинг балиқчилик саноатида етакчи ўринни эгаллагани аниқланди.

5. Амударёнинг қуйи оқими сув хавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишда, интенсив балиқчиликни ривожлантириш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга ошириш йўли билан Судочье, Мўйноқ қўлтиғи, Жалтирбас ва Сарбас қўллари базасида қўл-товар балиқчилик хўжалигини (КТБХ) ташкил этиш таклиф этилади. Амударёнинг қуйи оқими шароитида карпсимон балиқлар – зогора балиқ, оқ амур, оқ ва чипор дўнгпешона балиқларининг юқори маҳсулдорли популяцияларини кўпайтириш ва сунъий ўстириш бўйича ва ҳудуддаги КТБХ га балиқ чавокларини етказиб бериш учун балиқ парваришхоналарини (рыбопитомник) ташкил этиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РbD.02/30.12.2019.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК  
КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

**ТЕМИРБЕКОВ РАМАТУЛЛА ОРАЗЫМБЕТОВИЧ**

**ЭКОЛОГИЯ И РЕСУРСНОЕ ЗНАЧЕНИЕ КАРПОВЫХ РЫБ  
(CYPRINIDAE) НИЗОВЬЕВ РЕКИ АМУДАРЬЯ В СОВРЕМЕННЫХ  
УСЛОВИЯХ**

**03.00.10 – Экология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РbD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Пукус - 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.PhD/В410.

Диссертация выполнена в Каракалпакском НИИ естественных наук ККО АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz) на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:	Жолдасова Илия Матжановна кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Алтамуратов Бауаддин доктор биологических наук, профессор Атаназаров Куралбай Мауленович кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «23.10» 2020 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного Совета PhD.02/30.12.2019.В.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук. Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41. (Здание Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук, 3-й этаж). Тел.: (+99861) 222-17-44.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук. (зарегистрировано под № 7)

Автореферат диссертации разослан: «12.10.» 2020 г.  
(реестр протокола рассылки № «7» от 12.10. 2020).





Анимбетов Нагмет Калыевич  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученой степени,  
академик



Утемуратова Гулширри Найиматдиновна  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученой степени,  
PhD б.н.



Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению ученой степени,  
д.ф-м.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире актуальными являются экологические проблемы, связанные с зарегулированием и многолетним перераспределением стока рек. При этом происходит исчезновение или резкое сокращение численности и ареалов реофильных и проходных рыб, что ведет к нарушению воспроизводства проходных и многих жилых видов рыб. Исследования влияния гидрорежима водоемов на ихтиофауну, проблем сохранения его биоразнообразия являются фундаментальной задачей эколого-ихтиологических исследований, приобретают теоретическое и практическое значение.

В ведущих научно-исследовательских центрах мира проводятся многочисленные исследования по разработке методологии изучения влияния зарегулирования стока рек на таксономическую и экологическую структуру ихтиофауны, ее воспроизводство в естественных условиях и причины снижения, восстановления продуктивности водных экосистем. В этом направлении предусматриваются проведение экологического мониторинга и разработка мероприятий по формированию продуктивных популяций и сообществ рыбных ресурсов, а также устойчивого их использования.

В Республике достигнуты важные результаты по рациональному использованию природных водных биоресурсов, сохранению потенциала промысловых видов рыб, повышению рыбопродуктивности естественных водоемов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены определенные задачи по «...созданию эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений». Исходя из вышеизложенных задач, усовершенствование системы управления рыбной отраслью, повышение эффективности использования естественных и искусственных водоемов и внедрение интенсивных технологий имеют важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»,<sup>6</sup> а также Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2939 от 01 мая 2017 года «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3657 от 06 апреля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию рыбной отрасли», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4005 от 06 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбноводческой отрасли», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4816 от 29 августа 2020 года «О мерах по поддержке и

---

<sup>6</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

повышению эффективности рыбной отрасли», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В зарубежной научной литературе известно большое количество исследований об ответной реакции рыбного населения и популяций отдельных видов рыб на новые условия гидрорежима водоемов (Nilsson et al, 2005, Швеция; Poff et al, США, 2007; Olden&Naiman 2010, США; André Alberto Weber1, et al, 2013, США). Изменение видового разнообразия ихтиофауны, исчезновение аборигенных видов, нарушение в размножении многих видов, падение уловов изучались (Lessard&Hayes, 2003, Канада; Nagahama&Yamashita, 2009, Япония).

В странах СНГ по результатам изучения гидрологического режима морских акваторий и большинства бассейнов рек, изменения состава и структуры ихтиофаун, фаунистических и рыбохозяйственных исследований обобщен в ряде крупных сводок (Павлов Д.С., Мочек А.Д. (ред.), 2006, Россия; Слынько Ю.В., Терещенко В.Г., 2014, Россия; Митрофанов В.П. (ред.), Казахстан, 1986-1989; Решетников Ю.С. (ред.), 2002-2003, Россия.<sup>7</sup>

Также в республике на основе проведенных научных исследований и опытов по негативным последствиям изменения гидрорежима Амударьи и деградации Аральского моря, в ряде исследовательских работ научных направлений Тлеуовым Р.Т., Аденбаевым Е., Сагитовым Н.И., Тлеубергеновым Ш., Павловской Л.П., Бархансковой Г.М., Жолдасовой И.М., Юсуповым К., и многими другими авторами показаны биология проходных и полупроходных рыб в нижнем течении реки, условия их размножения, причины перестройки структуры ихтиофауны и экология.

Несмотря на многолетние исследовательские опыты в рамках экологии и изменения гидрорежима нижнего течения реки Амударьи и его влияния на видовой состав рыб, интерес к этой теме не теряет своей актуальности в настоящее время. Как известно, каждое рыбное сообщество в определенном водоеме имеет свои биоэкологические особенности, изучение современных условий таксономического состава видов рыб, в том числе, карповых в водоемах нижнего течения Амударьи в зависимости от водного режима, биоэкологические особенности и использование в перспективе их в аквакультуре имеет актуальное научно-практическое значение.

